



16.01.2018 й.№ 25-К

Вилоятда ичимлик суви  
таъминоти хизматлари  
тарифларига махсус устама  
хақ белгилаш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900 сонли қарорининг 7-банди ҳамда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири А.Ариповнинг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804 сонли топшириги ижросини таъминлаш мақсадида, Ўзбекистон Республикасининг “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 6, 25-моддаларига асосан

### Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 18 апрелдаги “Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазирига фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-2900 сонли қарорининг 7-банди ижросини таъминлаш учун Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2017 йил 15 декабрдаги 05/1-804-сонли топширигига асосан 2018 йилда ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига махсус устама хақ миқдорлари вилоятлар учун -20 сўм/м3 этиб белгиланганлиги ижро учун қабул қилинсин.

2. Вилоят “Сувоқава” ДУК корхонаси (М.Ахунов)га 2018 йилдан бошлаб вилоятдаги барча истеъмолчиларга етказиб берилаётган ичимлик суви таъминоти тариф нархларига 20 сўм/м3 миқдорда устама хақ белгилаш вазифаси топширилсин.

3. Вилоят Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш бошқармаси (М.Тажибоев), Марказий банк вилоят бош бошқармаси (Э.Усмонов), вилоят “Сувоқава” ДУК корхонаси (М.Ахунов)га, хизмат кўрсатувчи тижорат банкларда ичимлик суви таъминоти хизматлари тарифларига белгиланган махсус устама хақ маблағларини жамлаш учун махсус ҳисобварақ очилиши ҳамда

ушбу махсус ҳисобварақда жамланган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазиригининг Ўй-жой коммунал хизмат кўрсатишни ривожлантириш жамғармасига белгиланган тартибда йўналтирилишини таъминлашинлар.

4. Вилоят ҳокимининг мазкур қарори ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосари И.Ҳолматов зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими **ASLIGA TO'G'RI** Ш.Абдураҳмонов